



ХОРИЖИЙ БАНКЛАР КРЕДИТ ЛИНИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Сатторов Нодиржон Абсаломович
Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби
Тингловчиси

Юқоридагилардан кўришиб турибдики, хорижий банкларнинг кредит линиялари хозирги кунда республикамиз иқтисодиётининг соҳа ва тамоқларидаги инвестиция лойиҳаларини молиявий маблағлар билан таъминлашда муҳим ўрин тутмоқда. Ривожланган давлатлар амалиёти шуни кўрсатадики, мамлакат иқтисодиётини молиявий маблағлар билан таъминлашнинг энг мақбул усули бу бевосита хорижий инвестицияларни жалб этишдир. Бугунги кунда республикамизга бундай инвестицияларни жалб этиш борасида бир қатор муаммоларнинг мавжудлиги, улар ўрнига ҳукумат кафолати остидаги чет эл қарзлари ва хорижий банкларнинг кредитларини жалб этишни тақозо этмоқда. Миллий иқтисодиётимизни ривожлантириш учун молиявий маблағлар билан таъминлаш зарур экан бу соҳани ривожлантириш ва такомиллаштириш лозим бўлади. Чунки иқтисодиётнинг турли соҳа ва тармоқлари инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш албатта, мамлакатнинг тезроқ ривожланиши ҳамда барқарорлашувига олиб келади ва унинг истиқболини юксалтиради. Мамлакатимиз иқтисодиёти ривожланиб борган сари, ташқи ресурсларга бўлган талаб ҳам йилдан-йилга ўсиб бормоқда. Ушбу ҳолатда, халқаро молия институтларининг кредит линиялари ташқи қарзга бўлган талабни асосий қисмини қондиради. Умуман олганда, мамлакатимиз хорижий кредит линияларини жалб қилиш бўйича катта потенциалга эга. Бунга бир қанча сабаблар бор:

- Мамлакатимизнинг жойлашган ери – маълумки Ўзбекистон Ўрта Осиёнинг марказида жойлашган ва бу масофа жиҳатидан ҳам Осиёнинг, ҳам шарқий Европа давлатларига транспортировка ва логистика учун қулайдир. Ишлаб чиқариш корхоналарини мамлакатимизда жойлаштирилиш орқали мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш имкони мавжуд. Бу лойиҳаларни амалга оширишда эса, табиийки хорижий молия институтларининг кредитлари ёрдам беради;

- Вилоят ва қишлоқ ҳудудларида инфраструктура ва уй жой қурилишини ривожлантириш учун халқаро молия институтларининг узоқ муддатли кредит линияларини жалб қилиш керак. Ушбу мақсадга эришиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017-2021-йилларда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуриш дастури тўғрисида”ги 2016-йил 21-октябридаги ПҚ-2639-сонли ва “Осиё тараққиёт банки иштирокида 2017-2021-йилларда қишлоқ жойларда янгиланган



намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуриш дастурини амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2017-йил 2-мартдаги ПҚ-2812-сонли қарорларига мувофиқ арзон уй-жойлар қуриш дастури қабул қилинди. Айнан Осиё Тараққиёт банкининг хорижи кредит линияси ҳисобига қишлоқ ҳудудларида аҳоли учун арзон уй-жойлар қурилиши эса, албатта қувонарли ҳолат;

- Иқтисодиёт тармоқларини жаҳон стандартларига олиб чиқиш учун янги инновацион лойиҳаларни амалга ошириш учун хорижий кредит линияларидан фойдаланиш керак. Ушбу мақсадга эришиш учун 2017-йилнинг 29-ноябр куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида”ги фармони қабул қилинди. Ушбу фармонга кўра вазирлик илмий тадқиқотлар ўтказиш, илмий лабораторияларни жиҳозлаш, олим ва мутахассисларнинг хорижда амалиёт ўташини ташкил этиш учун кредит ва грантларни жалб қилиш бўйича хорижий (халқаро) молия институтлари ва бошқа хорижий донорлар билан тизимли ишларни олиб бродан ҳолда уларнинг кредит линияларини жалб қилиши белгилаб берилди. Шу билан бирга, Ўзбекистон республикаси президентининг 2017-йил 30-июндаги “Ўзбекистон Республикасида ахборот технологиялари соҳасини ривожлантириш учун шарт-шароитларни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонга асосан Тошкент шаҳрида Мирзо Улуғбек номидаги Инновация маркази ташкил этилди. Енди ушбу марказ ўз илмий лойиҳаларини амалга оширмақчи бўлган ёшлар учун ғояларини рўёбга чиқарадиган макон бўлади десак муболаға бўлмайди. Ҳар бир лойиҳани амалга ошириш учун, албатта, маблағ зарур. Шу ўринда эса бизга халқаро молия институтларининг кредит линиялари ёрдамга келади ва биз ушбу маблағлар ҳисобига илмий –инновацион лойиҳаларни амалга ошириш имконига эга бўламиз. Лойиҳа амалга оширилгандан сўнг эса, унинг фойдасидан хорижий кредит линия суммаси қайтарилади;

- Туризм соҳаси, таълим тизими ва кадрлар малакасини ошириш учун комплекс чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш ва белгиланган мақсадларни амалга ошириш учун эса хорижий кредит линияларидан фойдаланиш керак. 2016-йил 2-декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони туризм тармоғини жадал ривожлантиришни таъминлаш, туризмга иқтисодиётнинг стратегик сектори мақомини бериш, минтақаларда туризм салоҳиятидан самарали фойдаланишда муҳим омил бўлмоқда. Ўзбекистон ҳам саёҳат, ҳам зиёрат учун қулай мамлакат. Чунки она заминимизда бутун дунёга маълум ва машҳур бўлган аждодларимиз мангу қўним топган. Улар қолдирган бой маънавий-маданий меросга халқаро майдонда қизиқиш жуда катта. Соҳани янада ривожлантириш учун, аввало, зарур инфратузилмани такомиллаштириш шарт;



- Мамлакатда солиқ преференцияларига эга еркин иқтисодий зоналарнинг мавжудлиги ҳам инвестицияларни ва хорижий кредитларни жалб қилишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016-йил 26-октябрдаги “Еркин иқтисодий зоналар фаолиятини фаоллаштириш ва кенгайтиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонига мувофиқ ушбу зоналар учун янада қулай шарт-шароитлар яратилди. 2018-йил ҳолатига мамлакатимизда 14 та еркин иқтисодий зона фаолият юритган бўлиб, булар «Навоий», «Ангрен», «Жиззах», «Ургут», «Ғиждувон», «Қўқон», «Ҳазорасп», «Нукус-фарм», «Зомин-фарм», «Косонсой-фарм», «Сирдарё-фарм», «Бойсун-фарм», «Бўстонлиқ-фарм», «Паркент-фарм» еркин иқтисодий зоналаридир. 2018-йил ҳолатига ушбу зоналарда умумий қиймати 535 миллиард сўмга тенг 1021 лойиҳа амалга оширилган, 9 минг 600 дан зиёд иш ўрни яратилган. Лойиҳалар доирасида нафақат ички, балки ташқи бозорда ҳам харидоргир бўлган энгил саноат, кимё, озиқ-овқат маҳсулотлари, электр техникаси буюмлари, замонавий қурилиш материаллари, мебел ва бошқа тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда. Бундан ташқари, 248 лойиҳани амалга ошириш натижасида 11 минг янги иш ўрни яратиш режалаштирилган²²¹.

- Инвестиция муҳитининг такомиллашиб бориши. Ҳар бир давлатнинг инвестиция шароити унинг сиёсий ва иқтисодий барқарорлигидан келиб чиқади ва бу инвестиция муҳитини вужудга келтиради. Хорижий банклар билан ҳамкорликнинг ривожланиши мамлакат инвестиция муҳитининг яхшиланишида муҳим аҳамият касб этади. Чунки хорижий банклар билан ҳамкорликнинг кучайиши мамлакатга бўлган ишонч ва қизиқишни орттиради. Инвестиция муҳитини яхшилайдиган омилларга қуйидагилар киради: инвестициялардан фойдаланишда солиқ, божхона имтиёзларини кенгайтириш, пулнинг қадрсизланиши даражасини пасайтириш, миллий валютанинг еркин алмашинувини таъминлаш, чет эл инвесторларининг ўз даромадларини олиб чиқиб кетишини тўла қафолатлаш, ахборот алмашинуви даражасини ошириш, ҳудудий инвестиция дастурларини амалга ошириш, инфратузилма институтлари фаолиятини такомиллаштириш, инвестиция сиёсати самарадорлигини ошириш ва бошқалар.

- Макроиқтисодий барқарорликнинг таъминланиши. Ҳозирги кунда республикамизда хорижий инвестициялар ва хорижий банкларнинг кредит линиялари маблағлари асосан мамлакатга замонавий техника ва технологиялар, асбоб-ускуналарни келтиришга ва шу асосда жаҳон бозорлари стандартларига мос келадиган, ички бозор талабларини қондирадиган ва экспортга йўналтириладиган рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқаришга йўналтирилмоқда. Бундай ишлаб чиқаришларнинг ташкил этилиши, нафақат, маҳсулот ишлаб чиқариш орқали мамлакат ишлаб чиқариш ва экспорт салоҳиятининг ривожланишига, балки янги иш ўринларининг ташкил этилиши

²²¹ <http://www.uza.uz/uz/politics/erkin-iqtisodiy-zonalar-va-kichik-sanoat-zonalarini-rivojlan-sayti>



орқали ишсизлик муаммосининг ҳал этилишига, корхоналарнинг ривожланишига, аҳоли даромадларининг кўтарилишига, давлат бюджети даромадларининг ошишига, мамлакат ички бозорининг турли хил товарлар билан таъминланишига, маҳсулот экспорти орқали валюта тушумларининг кўпайишига, маҳаллий хом ашёнинг тўлиқ қайта ишлаб чиқаришга йўналтирилишига, иқтисодиётда рақобат, талаб ва таклиф, нарх-наво каби бозор механизмларининг амал қилишига, хуллас макроиқтисодий барқарорликнинг таъминланишига олиб келади.

- Миллий иқтисодиётнинг ривожланиши. Бугунги кунда мамлакат иқтисодиётига жалб қилинаётган хорижий инвестициялар ва хорижий банкларнинг кредит линиялари маблағлари асосан иқтисодиётнинг кимё, нефт ва газ, электр-энергия, оғир ва энгил саноат, машинасозлик, хом ашё ва материалларга бирламчи ишлов бериш, қайта ишлаш, кичик тадбиркорлик соҳаларига йўналтирилмоқда. Бу эса мамлакатнинг аграр иқтисодиётдан аста-секин индустрлашган иқтисодиёт сари ўтиб бораётганлигидан далолат беради. Мамлакат иқтисодиётида алоҳида аҳамият касб этадиган соҳа ва тармоқларнинг бир вақтнинг ўзида баравар ривожлантирилаётганлиги бу соҳада стратегик режалар ва дастурларнинг мавжудлигидан дарак беради.

Шундай бўлса ҳам мамлакатимиз ўз потенциалидан тўлиқ фойдаланмоқда деб айта олмаймиз. Хорижий кредит линияларидан фойдаланишнинг самарадорлигини ошириш учун қуйидаги ечим ва йўлларни таклиф қилиш мумкин:

- Банкларда хорижий кредит линиялари ҳисобидан бериладиган кредитлардан тушадиган даромадни солиқ солиш базасидан чегириб ташлашни йўлга қўйиш. Бу орқали банкларга халқаро молия институтлари ресурсларидан фойдаланишни рағбатлантириш;

- Банклар томонидан “мажбурият учун комиссия” суммасини солиқ солинадиган базага қўйиш, бу орқали банкларни кераксиз харажатдан тезроқ халос бўлишга ундаш. Бунда банклар маблағлар йўналтириладиган лойиҳаларни тезроқ топиш ва молиялаштиришга ҳаракат қилиши рағбатлантирилади;

- Тадбиркорлик субъектларининг эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда, халқаро молия институтлари ресурслари ҳисобидан синдикатлашган кредитлашни йўлга қўйиш. Масалан, ОТБ нинг 3405-УЗБ сонли кредит линияси – 100 млн.долларлик линия ҳисобланади. Аммо, бу сумма банклар ўртасида бўлиб ташланган. Мижозга айтайлик, 20 млн.доллар кредит керак. Бунда икки ёки ундан ортиқ 3405-УЗБ кредит линиясига эга банклар келишган ҳолда мижозни синдикатлашган тарзда кредитлайдилар. Кредит қайтиши ва мажбуриятлар ҳар ойда ҳар бир банкнинг қўшган улушига мос равишда қайтариб борилади.

- Банкларда риск-менеджменти ва лойиҳалар экспертизасини ривожлантириш. Бунда ХМИ ресурсларидан молиялаштириладиган ҳар бир



лойиҳа учун алоҳида, чуқурлаштирилган экспертиза олиб боришни йўлга қўйиш. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018-йил 13-февралдаги “Техник-иқтисодий асослар ва техник-иқтисодий ҳисоб-китоблар экспертизаси тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3527 сонли қарорининг қабул қилинганлиги юқоридаги мақсадга эришиш учун ҳуқуқий жиҳатдан йўл очиб берди десак муболаға бўлмайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодекси. 1995-йил 21-декабр.
2. Ўзбекистон Республикасининг 2019-йил 5-ноябрдаги «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги (янги таҳрир) ЎРҚ-580-сонли Қонуни.
3. Ўзбекистон Республикасининг 2019-йил 25-декабрдаги «Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида»ги Қонуни.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3620 сонли қарори. 2018.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018-йил 13-июлдаги “Жаҳон банкининг "Doing business" халқаро рейтингида Ўзбекистоннинг ўрнини яхшилаш тўғрисида” ги қарори.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-йил 20 декабрдаги “Халқаро ва хорижий молия институтлари билан ҳамкорликнинг самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3439 сонли қарори.
7. Ғозибеков Д.Ғ. Инвестицияларни молиялаштириш масалалари. – Т.: «Молия», 2003. – 203 б.
8. Каримов Н.Ғ. Иқтисодий интеграциялашув шароитида инвестицияларни фаолиятининг молиялаштиришнинг бозор механизмларини жорий этиш масалалари. Монография. – Т.: «Фан ва технологиялар», 2012. – 240 б.
9. Никонова И.А. Проектный анализ и проектное финансирование. – М.: «Альпина Паблицер», 2012. – 160 с.